
Ёшлар ўртасидаги футбол ва мини футбол спорт турлари бўйича туман мусобақасига старт берилди

Ёшлар ўртасидаги футбол ва мини футбол спорт турлари бўйича туман мусобақасига старт берилди

Бугун туманимиздаги “Истироҳат боғи” футбол клуби машғулоти майдонида 16-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида спортнинг футбол ва мини-футбол турлари бўйича мусобақаларга старт берилди. Ўйиндан олдин, мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра туман босқичи ўйинларига старт берилди.

Тадбиининг очилиш маросимида туман ҳоким ўринбосари О.Алиматов, туман прокурори ўринбосари Ф.Тўйчиев, туман ИИБ ўринбосари М.Қурбонов, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлим бошлиғи Б.Худойбердиев ва бошқа мутасадди ташкилотлар иштирок этиб, ёшларга омад тилади.

Футбол ва мини-футбол учрашувларида маҳалла жамоалари 62 тани ташкил этади. Мусобақада қатнашаётган жамоалар 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда беллашмоқдалар. Шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати кубоги ёшлар орасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда спортни ривожлантиришга кўмак беради.

Ҳар бир гуруҳда дастлабки иккита ўринни қўлга киритганлар чорак финал босқичига йўл олади. Мағлуб жамоа мусобақани тарк этади.

Туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган энг кучли жамоа эсдалик совғалар билан тақирланиши кўзда тутилган.

Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган жамоага улар истиқомат қиладиган туманда мини-футбол майдони қуриб берилади, иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган жамоаларга эса қимматбаҳо совғалар тақдим этилади.

Мусобақада қатнашаётган жамоаларга омад тилаймиз.

2023-04-12 15:19:33